



ARTICLE INFO

Received: 19th November 2022

Accepted: 28th November 2022

Online: 30th November 2022

KEY WORDS

Давлат хизматчиси, ротация, ротация мақсади, кадрлар заҳираси, коррупциявий омилларни қисқартириш, касбий ва ишчанлик сифатлари, тенг лавозим, ротация муддатлари.

Ротация сўзи “rotatio” лотин тилидан олинган бўлиб, луғавий маъноси “айланма ҳаракат”, деган маънони билдиради. Ходимларни ротацияси, ходимларни алмаштириш, яъни меҳнат муносабатларининг икки томонига фойда келтирадиган ходимларнинг кўчириш жараёнидир. Ходимлар ротациясининг эсосий белгиси – бу лавозимдан лавозимга, бўлимдан бўлимга, компаниянинг бир бўлинмасидан бошқа бўлинмасига горизонтал йўналишда ҳаракатланишидир. Бошқача қилиб айтганда, ротация - бу юридик шахс ичида бошқа ишга доимий ёки вақтинча ўтказишга доир ходимлар операциясидир. Баъзи манбаларда вертикал ротация ва ташкилотлараро ротацияга ажратилади, аммо аксарият манбаларда ротацияни ходимларни

МАҚОЛА МАВЗУСИ: ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИ РОТАЦИЯ ҚИЛИШ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Исаева Фарида Бабамуратовна

Тошкент давлат юридик университети
Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедрасининг
катта ўқитувчиси

E-mail: Farida.isaeva@indox.ru.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7404323>

ABSTRACT

Мазкур мақола давлат хизматчисини ротация қилишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, ротациянинг мақсади, муддатлари, аҳамияти, унинг юридик оқибати, коррупциявий омилларни қисқаритришда ротациянинг роли, давлат хизматчиларининг ротация қилишни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилинган ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган.

ташкилот ичидаги горизонтал ҳаракатланиши сифатида тушунилади.¹ Шунингдек, давлат хизматида ҳам давлат хизматчиларини ротация қилишнинг мақсади ва ўзига хос жиҳатлари бор. Кўпгина адабиётларда давлат хизматчиларининг ротацияси – бу давлат хизматининг самарадорлигини ошириш ва коррупцияга қарши курашиш мақсадида амалга ошириладиган давлат хизматчиларини битта ёки бошқа давлат органи таркибидаги давлат хизмати тизимидаги бошқа лавозимларга ўтказишдир, деб таъриф берилган. Давлат хизматида ходимлар ротацияси – давлат хизматчиларининг давлат хизмати лавозимида навбатма навбатма-навбат бўлиши, давлат

¹ <https://glavkniga.ru/situations/s503932>



органларининг манфаатларига мувофиқ хизмат лавозими бўйича ҳаракатланишидир.²

Давлат хизматчиларининг ротацияси давлат хизмати ходимларини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, у орқали давлат хизматчиларининг кадрлар салоҳиятидан давлат органларида самарали фойдаланишнинг самарали усулларини излаш, давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш (олдини олиш) механизми амалга оширилади. Бундан ташқари ротациянинг бошқа мақсад ва вазифалари ҳам мавжуд. Масалан, кадрлар захирасини, жамоада соғлом муҳитни шакллантириш, тажрибадан самарали фойдаланиш ҳамда тажриба тўплаш ва ҳ.к.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам давлат хизматчиларининг ротация қилишнинг ҳуқуқий асослари давлат хизматини туридан келиб чиқиб қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Мазкур қонунчилик ҳужжатларидан давлат хизматининг ўзига хослиги жиҳатидан келиб чиқиб турли хил тавсифланган. Жумладан, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан *давлат фуқаролик хизматчисининг ротацияси унинг шахсий ва касбга оид сифатларини ривожлантириш, фаолиятининг самарадорлигини ошириш, раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.* Давлат фуқаролик

хизматчисининг ротацияси уни эгаллаб турган давлат фуқаролик хизмати лавозимига тенг бўлган бошқа лавозимга ўз розилиги билан ўтказиш орқали амалга оширилади. Давлат фуқаролик хизматида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида мажбурий равишда ротация қилиниши лозим бўлган давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг рўйхати белгиланади. Ушбу лавозимларни эгаллаб турган давлат фуқаролик хизматчиларининг ротацияси уларнинг розилигисиз амалга оширилади.

Қуйидаги давлат фуқаролик хизматчилари ротация қилинмайди: тайёрлаш, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтаётган; ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар; тиббий хулосага асосан ўзларининг ёки улар билан бирга яшовчи оила аъзолари соғлиғининг ҳолати ротация ўтказилаётган давлат фуқаролик хизмати лавозими бўйича хизмат мажбуриятларини амалга ошириш имкониятини бермайдиганлар. Давлат фуқаролик хизматчисининг ротацияси шартлари меҳнат шартномасида назарда тутилади. Давлат фуқаролик хизматчиси ротация тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда юқори турувчи давлат органига ёки махсус ваколатли давлат органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли. Давлат фуқаролик хизматида ротация қилиш тартиби, мажбурий равишда ротация қилиниши лозим бўлган давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг рўйхати, шунингдек ротация қилинадиган лавозимларда бўлиш муддати Ўзбекистон

² Государственная и муниципальная служба: учебное пособие / Е.Е. Термелева, А.Я. Ябарова. – Самара: Издательство Самарского университета, 2020. – 92 с.



Республикаси Президенти томонидан белгиланади.³

Қонунчилик ҳужжатларида ротация асосан тегишли давлат органининг раҳбари томонидан, унинг буйруғи билан амалга ошириш белгилаб қўйилган. Жумладан, *солиқ органларида коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва олдини олиш, ходимнинг шахсий ва ишчанлик фазилятларини, унинг фаолияти самарадорлигини тизимли ўрганиш, шунингдек, солиқ органлари фаолиятининг турли йўналишларида билим ва тажрибага эга кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ходимлар ротация қилинади. Солиқ органлари ходимларини ротация қилиш тартиби Қўмита томонидан белгиланади. Давлат хизматчисини ротацияси тегишли давлат органларининг хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомлар билан белгиланади. Жумладан, Солиқ органлари ходимларини ротация қилиш тартиби Солиқ органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.⁴*

Божхона органларида раҳбар лавозимларни эгаллаган ходимлар тенг лавозимга, жумладан бошқа таркибий тузилмага, қоида тариқасида, эгаллаб турган лавозимида уч йил ишлаганидан сўнг ротация тартибида ўтказилиши мумкин.⁵

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2022 й., 03/22/788/0723-сон

⁴ [320-сон 17.04.2019. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида \(lex.uz\)](#)

⁵ [ЎРҚ-502-сон 18.10.2018. «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида \(lex.uz\)](#)

Божхона пости ходимлари битта постда 3 йил хизмат қилгандан сўнг, ДБҚ марказий аппарати, бошқа таркибий тузилмалар ва божхона постларига тенг лавозимга ротация тартибида ўтказилади. Бунда ротация тартибида ўтказилган лавозим бўйича белгиланган махсус унвон ёки лавозим маоши миқдори ротация тартибида ўтказилгунга қадар эгаллаган лавозими бўйича белгиланган махсус унвон ёки лавозим маошидан кам бўлган тақдирда ходим қўйи лавозимга ўтказилган ҳисобланмайди. Агар божхона органлари ходимини янги хизмат жойига ўтказилаётганда оиласининг турар жойи ўзгарса ҳамда хотини (эри) ҳам божхона органлари ходими бўлса, унда ходимни янги хизмат жойига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда хотинини (эрини) ҳам ушбу жойга ўтказиш масаласи кўриб чиқилади.⁶

Ички ишлар органлари раҳбар таркибининг ротацияси, қоида тариқасида, тенг мавқели лавозимга, эгаллаб турган лавозимида уч йил ишлаганидан сўнг амалга оширилади. Ички ишлар органларида раҳбар лавозимларни эгаллаган ходимлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, коррупция ва ваколатлар суиистеъмол қилинишининг олдини олиш, шахсий таркиб орасида соғлом муҳитни таъминлаш мақсадида ходимлар амалий иш тажрибасини ва касбий тайёргарлик даражасини инобатга олган ҳолда тенг лавозимга, жумладан бошқа туман (шаҳар, вилоят) ёки таркибий тузилмага, қоида тариқасида,

⁶ [ПҚ-3665-сон 12.04.2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида \(lex.uz\)](#)



эгаллаб турган лавозимида уч йил ишлаганидан сўнг, ротация тартибида ўтказилиши мумкин.

Ходимларни ички ишлар органлари ихтиёрида қолдириш ва ротация қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.⁷

Миллий гвардияда раҳбар лавозимларини эгаллаган ходимлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, коррупция ва ваколатлар суистеъмол қилинишининг олдини олиш, шахсий таркиб ўртасида соғлом муҳитни таъминлаш мақсадида ходимлар амалий иш тажрибасини ва касбий тайёргарлик даражасини инобатга олган ҳолда тенг лавозимга, жумладан бошқа туман (шаҳар, вилоят) ёки таркибий тузилмага, қоида тариқасида, эгаллаб турган лавозимида беш йил ишлаганидан сўнг ротация тартибида ўтказилиши мумкин. Ходимларни Миллий гвардия ихтиёрида қолдириш, ротация қилиш ҳамда ходимларни ҳарбий хизматчи лавозимларига, ҳарбий хизматчиларни ходимлар лавозимларига тайинлаш тартиби Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади.⁸

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, давлат органларининг қонунчилик ҳужжатларида давлат хизматчисининг ротациясига турлича таъриф берилган аммо асосий мазмун ўхшаш. Асосан давлат хизматчиларининг ротацияси биринчидан, коррупция ва

суистеъмолчиликларни олдини; иккинчидан, фаолият самарадорлигини ошириш; учинчидан шахсий ва касбга доир сифатларини ривожантириш; тўртинчидан, кадрлар заҳирасини шакллантириш ва бешинчидан, шахсий таркибда соғлом муҳитни шакллантириш мақсадида амалга оширилган экан. Лекин қонунчилик ҳужжатларидан ротация муддати қатъий белгиланмаган. Айримларида умуман белгиланмаган. Жумладан давлат фуқаролик хизматчилари ва солиқ органлари ходимларининг ротация муддати белгиланмаган. Божхона ва ички ишлар органлари қоида тариқасида, эгаллаб турган лавозимида уч йил ишлаганидан сўнг, божхона органларида эса қоида тариқасида, эгаллаб турган лавозимида беш йил ишлаганидан сўнг амалга оширилади деб белгиланган. Муддатнинг бундай белгиланишининг ўзи ҳам коррупциявий омил ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб давлат органининг раҳбари ротация қилиш муддатини ўз ихтиёрига кўра белгилаш ёки умуман белгиламаслик имкониятига эга бўлади. Хорижий мамлакатларда бу муддат қатъий қилиб белгиланган. Жумладан, Россияда бу муддат 3 ёки 5 йилда бир марта, Қирғизистонда эса Президент қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчиларининг ротация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан коррупция хавфини камайтириш мақсадида амалга ошириладиган ротация кўпи билан 2 йилда бир марта амалга оширилади.⁹ Бундай муддатни белгиланиши ва унинг албатта юридик оқибатини жуда

⁷ ПҚ-3413-сон 29.11.2017. [Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида \(lex.uz\)](#)

⁸ ПҚ-5089-сон 22.04.2021. [Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида ходимлар томонидан хизматни ўташ тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида \(lex.uz\)](#)

⁹ <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/430866>



ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, Японияда хизматчи битта иш жойида 2-3 йил ишлаган ходимни горизонтал ва вертикал равишда бошқа ишга кўчирилади. Ротация ходимнинг розилигисиз амалга оширилади. Қоидага кўра, ходим фақат 2-3 марта горизонтал кўчирилгандан сўнггина унинг вертикал ротацияси амалга оширилади, яъни лавозимда кўтарилиш, юқори маошли лавозимга ўтиш имконияти пайдо бўлади.¹⁰ Агар ротация муддати аниқ бўлса ва натижасида шундай юридик оқибат келиб чиқса, давлат хизматчиси қачон ротация бўлишини билади ва келгусида уни лавозим бўйича кўтарилиш имконияти борлигини билганлиги учун ҳам унга ротация имконият бўлиб хизмат қилади. Россияда ҳам бизнинг қонунчилигимиздаги каби давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг рўйхати, шунингдек ротация қилинадиган лавозимларда бўлиш муддати Президент томонидан белгиланади.

Бундан ташқари, ротация адолатли меъзонлар асосида амалга ошириши керак. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади. Масалана, ротацияни муддати аниқ бўлиши ва ротация бўладиган давлат хизматчиларининг рўйхати тасдиқланиши керак. Ротация давлат хизматчисининг шахсий ва ишчанлик фазилатлари, амалий тажрибасидан келиб чиқиб малака мартабаси ва даражасига мувофиқ лавозимлар бўйича амалга оширилиши лозим. Қонунчилик ҳужжатларида нафақат ротациянинг мақсади, балки унинг мезонлари аниқ белгиланиши

керак. Давлат хизматчисининг амалий иш тажрибаси ва касбий тайёргарлик даражаси ҳисобга олинмай ротация қилинса, ёки жазолаш ёхуд жазодан қутқариш воситаси сифатида амалга оширилса, ротациянинг мақсадига эришилмайди ёки самарасиз бўлади.

Хорижий мамлакатларда ротация институтидан асосан коррупцияни олдини олиш мақсадида кенг фойдаланилади ҳамда ротация қилиш тартиби давлат хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатарида аниқ белгилаб қўйилган. Қуйида хорижий мамлакатларда ротация амалиёти билан танишиб чиқамиз.

Германияда ротация давлат идораларида коррупциянинг олдини олиш мақсадида кўп йиллардан бери амалга оширилиб келади. Коррупцияга кўпроқ таъсирли лавозимларни эгаллаган хизматчиларни ротация қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундай лавозимларда хизмат қилиш муддати 5 йилгача қилиб белгиланган бўлиб, бу муддатни чўзиш учун зарур ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш шарт. Бу талаб ходимларни лавозимларга жойлаш жараёни устидан назоратни кучайтиради, бундай қарорни қайси мансабдор қандай сабабларга асосланиб қабул қилганини аниқ кўрсатиб туради. Бу эса ўз ўрнида мансабдор шахсларнинг маъсулияти ошишига хизмат қилади. Германиялик экспертларнинг фикрига кўра, ротация туфайли коррупция ҳолатлари даражаси пасайишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

— алоҳида шахс ва давлат хизматчисининг қайта учрашиш эҳтимоли камаяди; — пора таклиф этиши мумкин бўлган алоҳида шахс

¹⁰ [Давлат фуқаролик хизматчилари қаерда, қандай танланади? - zarnews.uz](http://zarnews.uz)



кейинчалик лавозимга келган янги хизматчи томонидан ўзининг олдинги “марҳамати” ҳисобга олинишига ишонч ҳосил қилолмайди; — алоҳида шахс пора таклиф қилса янги давлат хизматчисининг жавоби қандай бўлишини билмайди. Давлат хизматчиларини ротация қилиш борасидаги Германия тажрибаси тадқиқотчилар томонидан ижобий баҳоланади.

Ходимларни ротация қилиш минтақалараро ва давлат хизмати тармоқлари ўртасида ҳам амалга оширилади (Франция, Хитой). Биринчи ҳолатда давлат хизматчиларини кўпроқ ривожланган минтақалардан нисбатан кам ривожланган ҳудудларга юборилади. Иккинчи ҳолатда эса хизматчиларни давлат идорасининг бошқа таркибий қисмларига ротация қилиш орқали уларни янги касбий тажриба ва кўникмаларни эгаллашига аҳамият берилади. Дания, Канада сингари давлатларда ходимларни жой-жойига қўйиш соҳасида ҳукумат дастурлари амал қилади. Ротация сиёсати ходимларнинг давлат хизматидаги турғунлигини олдини олади, давлат идораларига уларни тажрибаси ва имкониятларидан унумли фойдаланиш имконини беради. Японияда ротация тизими давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг бир қисми сифатида қаралади. Бунда ҳар икки-уч йилда давлат хизматчиларининг горизонтал ва вертикаль йўналишда лавозимларини алмаштириш назарда тутилади. Яшаш жойи ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларларда ротация қилиш учун хизматчининг розилиги талаб

қилинмайди. Жойлардаги давлат идораларидаги маълум бир лавозимлар марказий идоралардан ротация тартибида келадиган хизматчилар учун ажратиб қўйилади. Бу, бир томондан, марказий идоралар хизматчиларининг касбий дунёқарашини ўсишига, уларнинг касб тажрибаси ҳудудларга хос хусусиятлар билан бойишига, шунингдек марказий бўғиндаги тажриба ва билимларини ҳудудларга етказишга хизмат қилади. Бошқа томондан эса, маълум бир раҳбарлик лавозимлари ротация тартибида марказдан юбориладиган хизматчилар учун банд қилиниши жойлардаги хизматчиларнинг касбий ўсишида маълум муаммоларни келтириб чиқаради. Ротация тартибида юборилувчи хизматчилар учун жойларда маълум лавозимларни банд қилиш амалиёти Хитой Халқ Республикасида ҳам мавжуд. Ротация 10 йилдан ортиқ бир лавозимда ишлаган давлат хизматчиларни режали равишда бошқа лавозимга ўтказишни назарда тутди. Хизматчиларни иқтисодий ривожланган ҳудудлардан нисбатан кам ривожланган ҳудудларга юборишга алоҳида эътибор қаратилади. Давлат хизматчиларини ротация қилиш Меҳнат вазирлиги томонидан ташкил этилади. Хорижий экспертлар ротация усулининг айрим салбий томонларига, жумладан, хизматчиларнинг янги шароитга мослашиш даврида меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ротация қўллашда, айниқса, хизматчи оиласи билан бошқа ҳудудга юборилганда сарфланадиган ҳаражатлар миқдорининг оз эмаслиги сингари жиҳатларга ҳам эътибор қаратишади. Булардан ташқари, коррупцияда шубҳа



қилинган мансабдорларни ротация воситасида тергов идоралари эътиборидан четга тортиш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкинлиги таъкидланади.¹¹ Умуман олганда, ривожланган хорижий давлатларда давлат хизмати соҳасида кучли ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, давлат органлари ва ташкилотларига вакант лавозимларга кадрларни танлаб олишнинг шаффоф ва адолатли механизми жорий этилган. Давлат хизматчиларининг ротацияси асосан давлат хизмати самарадорлигини ошириш ва коррупцияга қарши курашиш мақсадида давлат хизматчисини бошқа давлат лавозимига ўтказиш ёки бошқа давлат органи ва ташкилотининг давлат лавозимига ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда давлат хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш ва коррупциявий омилларни камайтириш борасида бир қатор чоратадбирлар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонида асосан «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Мазкур стратегиянинг *10-мақсади Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш* бўлиб, давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш,

кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; Маҳаллий ҳокимлик органлари, вазирлик ва идораларга раҳбарлик лавозимлари учун муносиб номзодларни тайёрлаш мақсадида Миллий кадрлар захирасини шакллантириш каби мақсадга эришиш йўналишлари белгиланди. Бундан ташқари *Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш 84-мақсад* сифтади белгиланди.¹² Бу мақсадларга эришишда ротацияни роли жуда катта. Мазкур мақсадга эришиш учун давлат хизматчиларини ротациясини аниқ ва адолатли мезонлар асосида ташкил этиш амалиётини жорий қилинса мақсадга мувоиқ бўлар эди. Энг асосийси давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида 2022 йил 8 августда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ҳамда 2022 йил 14 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 595-сон Қарори билан “Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари” тасдиқланди.¹³ Қонунда давлат фуқаролик хизматчиларининг коррупцияга қарши кураш ва давлат хизматчиларнинг ротацияси ташкил этиш каби масалалар

¹² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон

¹³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2022 й., 03/22/788/0723-сон

¹¹ <https://int.search.myway.com/>



белгиланган бўлсада, ротация қилиш муддати аниқ белгиланмаган. Мана шу муддатни қонунда аниқ белгиланиши мазкур ротацияси институтини амалга тадбиқ қилишда катта аҳамиятга эгадир. Юқорида кўрсатилган мезонлар асосида давлат хизматчиларини ротациясини ташкил этиш, уни ташкилий ҳуқуқий механизмини йўлга

қўйиш, аввало, давлат хизматини самарадорлигини ошишига, турли йўналишда билим ва тажрибага эга бўлган кадрлар заҳирасини шаклланишида, фаолият самарадорлигини ошишига, қолаверса коррупциявий омилларни қисқаришига хизмат қилади.

References:

1. <https://glavkniga.ru/situations/s503932>
2. Государственная и муниципальная служба: учебное пособие / Е.Е. Термелева, А.Я. Ябарова. – Самара: Издательство Самарского университета, 2020. – 92 с.
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2022 й., 03/22/788/0723-сон
4. [320-сон 17.04.2019. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида \(lex.uz\)](#)
5. [ЎРҚ-502-сон 18.10.2018. «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида \(lex.uz\)](#)
6. [ПҚ-3665-сон 12.04.2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида \(lex.uz\)](#)
7. [ПҚ-3413-сон 29.11.2017. Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида \(lex.uz\)](#)
8. [ПҚ-5089-сон 22.04.2021. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида ходимлар томонидан хизматни ўташ тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида \(lex.uz\)](#)
9. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/430866>
10. [Давлат фуқаролик хизматчилари қаерда, қандай танланади? - zarnews.uz](#)
11. <https://int.search.myway.com/>
12. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
13. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2022 й., 03/22/788/0723-сон
14. Sardorbek Y. ANALYSIS OF PROBLEMS IN THE PROCESS OF PARLIAMENTARY CONSIDERATION OF BUDGET EXECUTION REPORTS IN UZBEKISTAN //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2021. – Т. 1. – №. 1.4 Legal sciences.
15. Юсупов С. Б. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ //ЮРИСПРУДЕНЦИЯ. – 2021. – Т. 2. – №. 1.
16. Bakhodirovich Y. S. International Legal Bases of Parliamentary Control Over the State Budget: On the Example of Inter-Parliamentary Institutions //International Journal of Development and Public Policy. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 130-134.



17. Юсупов С. Б. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2021. – №. SPECIAL 3.
18. Sardorbek Y. ANALYSIS OF PROBLEMS IN THE PROCESS OF PARLIAMENTARY CONSIDERATION OF BUDGET EXECUTION REPORTS IN UZBEKISTAN //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2021. – Т. 1. – №. 1.4 Legal sciences.
19. Goziev, K. (2021, December). PRINCIPLES OF TAX LEGISLATION. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 9-12).
20. Goziev, K. (2021, November). DEMOCRATIZATION OF STATE POWER AND GOVERNANCE IS AN IMPORTANT CONDITION FOR THE PRINCIPLE OF SEPARATION OF POWERS. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 124-132).
21. Жураев, А. Н. (2021). REPRESENTATIVE INSTITUTE FOR THE PROTECTION OF THE RIGHTS AND LEGAL INTERESTS OF BUSINESS ENTITIES IN ENSURING THE RULE OF LAW. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SPECIAL 1).
22. Жураева, А. Б. (2020). PRIOR RIGHTS IN TRADEMARK IN UZBEKISTAN, CHINA AND GERMANY COMPARATIVE STUDY. *ЮРИСПРУДЕНЦИЯ*, 1(1).
23. Akhrorov, A. (2021). ENVIRONMENTAL CONTROL OF PUBLIC ADMINISTRATION BODIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.
24. Khudoyberganova, M. . (2021). THE ROLE OF PUBLIC ADMINISTRATION IN THE DEVELOPMENT OF PHARMACEUTICAL SECTOR IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES*, 1(1), 147–152. Retrieved from <https://usajournalshub.com/conferences/index.php/iscrc/article/view/200>
25. Исаева, Ф. Б. (2021). ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SPECIAL 1).
26. Farida Isaeva. (2021). LEGAL BASIS FOR EVALUATING AND CERTIFYING THE ACTIVITIES OF A CIVIL SERVANT. *International Scientific and Current Research Conferences*, 1(01), 100–106. Retrieved from <http://orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/161>
27. Mavjuda, X., & Asgarov, M. (2022). AHOLINI DORI VOSITALARI VA TIBBIYOT BUYUMLARI BILAN TA'MINLASHDA DAVLAT BOSHQARUVINING ROLI. *Involta Scientific Journal*, 1(4), 83-106.
28. Исаева Фарида (2020). Роль Конституции в реформировании государственной службы в Республике Узбекистан и создании ее правовой основы. *Review of law sciences*, 1 (Спецвыпуск), 33-39. doi: 10.24412/2181-919X-2020-1-33-39
29. Khumoyun, S. (2021) "CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW: CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW", *TSUL Legal Report International electronic scientific journal*, 2(1), pp. 118-126. Available at: <https://www.legalreport.tsul.uz/index.php/journal/article/view/52> (Accessed: 2November2021).
30. Feruza Salixova. (2021). THE ROLE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN CUSTOMS. *International Scientific and Current Research*



- Conferences*, 1(01), 118–123. Retrieved from <http://orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/165>
31. Салихова, Ф. Т. (2021). БОЖХОНА НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КОНТРАФАКТ ТОВАРЛАРНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SPECIAL 1)
32. Soyipov, K. (2021). ORGANIZATIONAL AND LEGAL ASPECTS OF THE REDUCTION OF STATE GOVERNANCE IN THE ECONOMIC SPHERE. In *Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference* (Vol. 1, No. 2).
33. Khumoyun, S. (2021). CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW: CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW. *TSUL Legal Report International electronic scientific journal*, 2(1), 118-126.
34. Ниязова, Н., Ардатова, Е., & Сойипов, Х. (2021). Обучение языкам как основа развития юридической науки и образования. *Общество и инновации*, 2(2), 137-143.
35. Juraeva, A. (2021, November). STATE RESPONSIBILITY FOR COVID-19 IS CHINA LIABLE. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 151-158). Жураева, А. Б. (2020). PRIOR RIGHTS IN TRADEMARK IN UZBEKISTAN, CHINA AND GERMANY COMPARATIVE STUDY. *ЮРИСПРУДЕНЦИЯ*, 1(1).
36. Ахроров, А. (2021). ТЕНДЕНЦИИ УПРОЩЕНИЯ ПРОЦЕДУР ЛИЦЕНЗИРОВАНИЯ И РАЗРЕШЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. *Збірник наукових праць SCIENTIA*.
37. Akhrorov, A. (2021, April). ENVIRONMENTAL CONTROL OF PUBLIC ADMINISTRATION BODIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. In *International Scientific and Current Research Conferences*.
38. Abduvaliev, M. (2020). Invalidity of agreements in civil law-an analysis of the experience of Uzbekistan and Japan. *TSUL Legal Report International electronic scientific journal*, 1(1).
39. Maksudjon, A. (2020). DEVELOPING NORM CREATIVITY IN THE PROCESS OF ENSURING THE RULE OF LAW IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Review of law sciences*, 1(Спецвыпуск).
40. Maksudjon, A. (2020). CONSTITUTIONAL CONCEPTS OF THE RIGHT TO FREEDOM OF MOVEMENT FROM ONE PLACE TO ANOTHER AND LEGAL RESTRICTIONS (EXAMPLE OF REGISTRATION SYSTEM). *Review of law sciences*, (4), 6-9.
41. Ғозиев, К. (2022). ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ. *Involta Scientific Journal*, 1(4), 3-15.
42. Газиёв, К. (2022). Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини бошқариш ва ташкил этишининг ҳуқуқий жиҳатлари. *Общество и инновации*, 3(6/S), 131-155.
43. Goziev, K. (2022). THE ESSENCE OF THE LAW ON BANK SECRET OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *World Bulletin of Management and Law*, 12, 70-72.
44. Paraхatovna, A. E. (2022). РОЛЬ ТИПОВЫХ ПРАВИЛ ПОВЕДЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ ПРИ БОРЬБЕ С КОРРУПЦИЕЙ. *Conferencea*, 188-190.
45. Авезова, Э. П. (2022). ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВИДОВ И ФОРМ КОРРУПЦИОННЫХ ПРОЯВЛЕНИЙ НА ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЕ. *SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI*, 1(6), 91-94.



46. Авезова, Э. П. (2022). ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВИДОВ И ФОРМ КОРРУПЦИОННЫХ ПРОЯВЛЕНИЙ НА ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЕ. *SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI*, 1(6), 91-94.
47. Авезова, Э. П. (2022). ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВИДОВ И ФОРМ КОРРУПЦИОННЫХ ПРОЯВЛЕНИЙ НА ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЕ. *SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI*, 1(6), 91-94.
48. Ражабова, К. Қ. (2022). САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.
49. Ражабова, Карима Қахрамоновна (2022). САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) ЮЗАСИДАН НИЗОЛАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (Special Issue 23), 556-563. doi: 10.24412/2181-1784-2022-23-556-563